

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10655253>

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Деҳқонларнинг меҳнат фаолияти тақвим билан бевосита боғлиқ. Улар тақвимга қараб иш юритадилар. Қадимда деҳқонлар, аввало, юлдузлар ҳаракатига, юлдузлар ҳисобига, табиатда юз берадиган ўзгаришларга қараб ўз ишларини ташкил қилганлар. Ушбу мақолада деҳқонларнинг табиат ҳодисаларига муносабати ва уни кузатиб бориш асосида юзага келган тақвим ва унинг фольклордаги бадиий ифодаси тўғрисида илмий мушоҳада юритилади.

Калит сўзлар: деҳқончилик тақвими, шамсий тақвим, тўқиш ёки тўғал ҳисоби, юлдуз ҳисоби, мучал ҳисоби, қуш қайи ёки долға ҳисоби.

Деҳқонларнинг меҳнат фаолияти тақвим билан бевосита боғлиқ. Улар тақвимга қараб иш юритадилар. Қадимда деҳқонлар, аввало, юлдузлар ҳаракатига, юлдузлар ҳисобига, табиатда юз берадиган ўзгаришларга қараб ўз ишларини ташкил қилганлар.

Ўзбек халқ тақвими қуйидаги турларга бўлиб ўрганган: 1) осмон ёритқичлари ҳаракати билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан тақвимлар: а) шамсий тақвим; б) тўқиш ёки тўғал ҳисоби; в) юлдуз ҳисоби; г) мучал ҳисоби; 2) деҳқончилик ва чорвачилик хўжалигини юритиш билан боғлиқ тақвимлар: а) чорва ҳисоби; б) юз ҳисоби; в) тўқсон ҳисоби; г) чилла ҳисоби; деҳқон ҳисоби; 3) фенологик тақвимлар: а) қуш қайи ёки долға ҳисоби; б) тошув ҳисоби.

Деҳқонлар, одатда, ҳосилни экиш ва йиғишда йил фасллари билан боғлиқ деҳқончилик тақвимига қатъий риоя қиладилар. Деҳқонлар ўз юмушларини юритишда салқин тушиши арафасида (кеч кузда) иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетган ёки эрта баҳорда юртимизга қайтиб келган мавсумий қушларнинг ҳаракатини ҳисобга олишган. Шунга қараб ўз иш вақтларини белгилашган. Бундай фенологик тақвим халқ орасида “қуш қайи” ёки “долға ҳисоби”, “тўғич ҳисоби” деб аталади. Бундай мавсумий қушлар сирасига ҳар йили тахминан 10 февралдаи кейин учиб келадиган “сарисаманак”, қалдирғоч, куркирак, кўккарға, саъва, булбул, турна, лайлак, чой номли (февраль ойининг охирида, қор аралаш ёмғир ёғиб турадиган кунлари келадиган “калхат” деган) қушлар мансубдир.

Тўғал ҳисоби – Ҳулкар юлдузининг ўз ҳаракати йўналиши давомида Ой билан кесишиш муддатларга асосланган анъанавий вақт ҳисобидир. Бу ҳисоб халқ орасида «тўқуш» ҳам деб юритилади. “Туғал” дегани ой билан юлдуз Ҳулкарнинг жуфтлашишидир.

Ҳамалнииг 18-кунни “кўкқарғанинг қори” деб аталса, савр (апрел)нинг 4-кунини нуроталиклар “тарра-тарранинг кунни” дейишиб, “тарра-тарра” номли кичкина бир қуш учиб келишига қараб, деҳқонлар кўмилган токларни очишган. Биринчи “попишак” кўриниши билан деҳқонлар беда экиш пайти келди, деб ҳисоблашган.

Апрель ойининг охирида “кўкқарға” учиб келиши совуқ кунлар батамом тугаб, баҳор фасли авж паллага кирганлигини билдирган.

Деҳқонлар ишончига кўра, хусусан, турналар “тилла тарози, об-ҳавога қози”. Агар улар барвақт учиб келса, баҳор эрта бошланади, тўп-тўп бўлиб ўйин-рақсга тушса, кун исийди, улар қичқирса, ёмғир ёғади. Тажрибали деҳқонлар турналарнинг кўкламги учиб келишигагина эмас, балки кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетишига ҳам эътибор берадилар. Уларнинг кўп йиллик кузатувларига қараганда, кузда турналар баланд учса, куз узоқ вақт давом этади. Улар барвақт ва пастлаб учиб кетишса, қиш қаттиқ келаркан. Бу ҳақдаги кузатишлар турналар ҳақидаги қўшиқларда шундай ифодаланган:

Турна десам, турумли,
Кенг далага қўнимли,
Турналар учса пастлаб,
Ризқинг қилар унумли.

Ҳар бир ой, ҳафта ва кун деҳқонлар учун аҳамиятсиз саналмайди. Масалан, Ҳут ойи ҳам деҳқонлар ҳаётида катта аҳамиятга эга. Ҳут ойида деҳқонлар, асосан, ерга турли озуқалар бериш, ариқ-зовурларни қазиб тозалаш, уруғларни экишга тайёрлаш, меҳнат қуроолларини ишга ҳозирлаш сингари юмушлар билан банд бўладилар. Ҳут шамсий ҳижрий тақвими бўйича йилнинг сўнгги ойи бўлиб, йигирманчи февралдан йигирманчи мартгача (ўттиз кун) давом этади. Ундан сўнг Наврўз бошланади. Ҳут – балиқ дегани. Маълумки, қадимги аждодларимиз балиққа алоҳида эътиқодий муносабатда бўлишган. Қадимги мифларда балиқ ернинг таянчи сифатида талқин қилинади. Шундан балиқ култи билан боғлиқ қарашлар кенг тарқалган. Жумладан, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар қаторида ўзбеклар ҳам балиқ култига ҳозиргача сиғиниши кузатилади.

“Авесто”да ғаройиб балиқ Кара Фароғ Карт дарёсидаги қавакирна дарахтини ёвуз дев – Аҳриманнинг зараридан сақлаши ҳақидаги асотир келтирилган.

Халқимиз деҳқончилик ишларини Шарқ халқлари тақвимига мувофиқ олиб борган. Баҳорги дала ишлари, одатда, маҳаллий тақвимга кўра, Янги йил – Наврўздан, яъни қуёшнинг балиқ (ҳут) буржидан қўй (ҳамал) юлдузлар туркумига ўтиш вақтидан бошланган. Бу ҳозир ҳам амал қилаётган ой календари бўйича 21 мартдан бошланиб 21 апрелгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ернинг тузилиши ҳақидаги мифларда унинг тақдири балиққа боғлаб талқин этилади. Худди шунингдек, деҳқонлар ҳам Ҳут, яъни балиқ ойининг бошланишига қараб, ўз касбларининг йиллик якуни ҳақида хулоса чиқаришга уринишган. Ҳутнинг яхши келишини тилаб, унга бағишлаб маросимлар ўтказишган. Бу маросимлар

жараёнида Ҳутга алоқадор турли айтимлар ижро қилинган. Чунки баъзи йилларда Ҳут ойининг бошланиши иссиқ келиб, унинг ҳали қиш фаслига тегишли эканлигини одамлар унутиб қўйишади. Ҳатто дарахтлар гуллаб бошлайди. Ёки ёқилғи – ўтин, молларга ем-хашак заҳиралари тугаб қолган бўлади. Шундай кезларда, Ҳут ҳутлик қилиб, совуқ кучайса, кўп нарсани совуқ уриб кетади. Халқ орасида яна “Ҳут, қари-қурини ют” ёки “Ҳут қариларни ют” сингари нақллар юради.

Аҳман-даҳман анъанавий халқ тақвимларидан биридир. У Ҳутнингэнг совуқкунлари ҳисобланади. Аҳман-даҳман Аямажузданкейинкирадива март ойининг 4-10 кунларигатўғрикелади. Аҳман-даҳманнинг совуқ, лекин беқарор шамоли бўлади ва у дам мағрибдан, дам машриқдан эсади. Бу аёз на одамларга, на жонивору ўсимликларга зиён етказди. Баъзан унинг охири кунларида дўл ёғади. Дўлнинг ёғиб ўтиши совуқ кунларнинг тугаб, Ҳутнинг бошланишидан дарак беради.

Умуман айтганда, қадимги деҳқонлар қиш ва баҳор алмашиши даврини белгиловчи Ҳут ойига алоҳида муносабатда бўлишган. Унга алоқадор расм-русумлар, айтимлар янги меҳнат мавсумидан тўқинлик, яхшилик тилаш мақсадини ифода этган.

Ҳут тугаб, ҳамал кириши билан “Ҳамал кирди – амал кирди” деб, дастлабки деҳқончилик юмушлари бошлаб юборилган. 21 мартга тўғри келадиган бу сана “Наврўз” деб аталиб, янги меҳнат мавсумининг бошланишини билдирган. Шунинг учун Наврўз деҳқонлар фаолиятида муҳим аҳамият касб этган. Айнан Наврўз кунларида деҳқонлар, боғбонлар экин экиш, дала, боғ юмушларига киришишган. Далага қўш чиқариш учун ҳўкизларни яхши боқиб, парваришлаб, уларга осиладиган омоч-бўйинтуруқ, мола кабиларни созлаб, шай ҳолатга келтириб қўйганлар.

Июннинг 20 кунидан июлнинг 20 санасигача “иссиқ сув” мавсуми ҳисобланади. Бу халқ орасида азалдан қўлланиб келган “тошув ҳисоби” номли тақвимга асосан айтилган. Зарафшон дарёсининг тўртинчи тошиши халқ тилида “ғармоб” ёки “гармоб” (гарм – иссиқ, об – сув), яъни “иссиқ сув” деб юритилган.

Баҳор мавсуми халқ тилида “кўклам”, куз “тирамо”, “тирамоҳ” номлари билан ҳам аталади. “Тирамоҳ” – кузнинг биринчи куни бошланиши билан деҳқонларнинг юмуши ҳам ортади.

“Қантар Оғди” деганда, қадимги туркий халқлар тақвимида қиш чилласи тушунилган. Қантар ҳисобига кўра, қиш тўқсонининг ярми ўтгач, яъни февраль ойининг бошида “Қантар оғди” деганлар. Бунинг маъноси “қиш совуқларнинг кўпи ўтиб, ози қолди, баҳор яқинлашди” деганидир.

Деҳқончилик маданияти билан боғлиқ “тўқсон ҳисоби” ҳозирги кунга қадар қўлланилиб келинмоқда. Бу тақвимнинг тарихий асослари қадимги саклар даврига тақаб изоҳланади.

Деҳқонлар қайси куни ерга қўш чиқаришга ҳам алоҳида эътибор билан ёндашганлар. Масалан, андижонлик деҳқонлар баҳорда ер ҳайдашни шанба куни бошлаш лозим деб ҳисоблашган ва шунга амал қилишган. Хоразмлик деҳқонлар эса қўш ҳайдашни душанба ёки чоршанба кунлари бошлашган. Бошқа кунлари ер ҳайдаш

хосиятсиз деб ҳисобланган. Ерни кундуз куни бўлса шимолга, кечаси бўлса, жанубга қараб ҳайдаганлар420.

Баҳор бошланиши арафасида Наврўзга боғлаб ўтказиладиган “Қозон тўлди” маросимида барака ва серҳосиллик ғоясини ўзида ташиган эзгу маъбуда Ашага бағишлаб қурбонлик таомлари пиширилган. Шу асосда йилнинг қут-баракали, серҳосил келиши ният қилинган. Бунга магик таъсир кўрсатиш мақсадида “кўча оши”, “гўжа оши” каби анъанавий таомлар тайёрланиб истеъмол этилган.

«Хайри худойи» буғдой ўрими ҳашари бошланишидан олдин ўтказиладиган деҳқончилик маросимларидан биридир. Унда Бобо деҳқондан, авлиё ва анбиёлардан дон ҳосилининг мўл бўлиши, хирмоннинг баракаси сўралган. Ўрим ҳашарига ёмон одамлар яқинлаштирилмаган. Буғдойнинг илк тутамини ҳосил бой бўлсин деган ниятда бой-бадавлат ёки серфарзанд кишига ўрдирилган. Кейин ўримга тушишга рухсат берилган.

Қадимги инсонлар она буғдойда магик қудрат мавжуд, шунинг учун у агар уруғликка аралаштирилса, ҳосилдорлик ошишига кўмак беради, охири тутам “барака тутами”, “она буғдой” деб ҳисобланган.

Деҳқонлар ўз тақвимларига эга бўлган ва шу асосда ўз ишларини ташкил этганлар. Ҳатто шунга боғлиқ ҳолда “деҳқон фоллари” пайдо бўлган. Деҳқонлар Наврўз арафасида янги меҳнат мавсумининг ҳосили қандай бўлишини чамалаш билан алоқадор турли хил расм-русумларни, ирим-сиримларни адо этишган. Масалан, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Осиё қишлоғида эрта кўкламда биринчи марта лайлакни кўрган киши дарров ердан бир сиқим тупроқ олган. Кейин ана шу тупроқни кафтга ёйиб кўришган: агар тупроқ ичида кўкараётган ўсимлик уруғи ёки янги чиққан майсанинг навжувон япроғи бор бўлса, йил баракали келади деб ўйлаганлар. Чироқчиликлар эса эрта баҳорда какку сайрашига қараб, иш юритганлар.

Кўлоб вилоятида бақа қуриллашини эшитган киши дарҳол эгилиб ердан бир сиқим тупроқ олган ва уни уйига олиб борган. Деҳқон ўша тупроқни яхшилаб кўздан кечирган: агар тупроқ ичида чувалчанг бор бўлса, йил баракали келади, дебхурсанд бўлган. Мободо тупроқ ичида тошчалар ёки ўт-ўлан чиқса, ҳосил кам бўлади, деб ирим қилган.

Кўринадики, деҳқон тақвими фольклори халқимизнинг қадимий астромифологик тасаввурлари, вақт ҳисобини юритиш билан алоқадор фенологик тажрибалари, вақт ҳисоби тўғрисидаги эътиқодий қарашлари ва серҳосиллик ғоясини ташувчи мавсумий маросимлари асосида шаклланган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Saidahmedovna, UraevaDarmon, and RustamovaGavharBahronQizi. "Beliefs About the" Tree of Life" in Uzbek Folklore." MiddleEuropeanScientificBulletin 8 (2021).
2. Тураева Л.О. ARTISTIC AND COMPOSITIONAL FEATURES OF HARVEST SONGS//Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) 2021.- С. 629-634.
3. Safarova H. "HAPPINESS IS THE FLAG LANGUAGE, FROM HAPPINESS I AM ALSO A TONGUE!"... ON THE EXAMPLE OF THE WORK OF THE POET SAMANDAR VOHIDOV //Конференции. – 2020.
4. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
5. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – С. 47-49.
6. Darmon U., Rano R., Dilshod R. The Stylization of Prose Tales in Uzbek Children's Literature //Religación. – Т. 4. – С. 170-174.
7. Rajabova R. Z. A LITERARY RIDDLE FROM A FOLK RIDDLE //European Scientific Conference. – 2020. – С. 139-141.